





Демак, онага, отага, ака-ука, опа-сингилларга, бошқа қариндошларга силаи раҳм, яхшилик қилиш, муҳтож бўлса, ёрдам бериш, ҳожатини чиқариш, нафақа бериш ҳар бир мўмин-мусмон учун вожиб амал ҳисобланади, буни қилмоғи лозим ва лобуддир.

Ушбу бобдаги силаи раҳмга оид саноқли ривоятларни оладиган бўлсак ҳам, оламга татийдиган таълимотларга эга бўламиз. Чунки оламнинг ҳеч қаерида қариндошлик алоқалари ҳақида динимиз таълимотичалик бирорта таълимот учратмадик ва учратган одамнинг хабарини ҳам эшитмадик.

Эҳтимол, керакли таълимотларнинг йўқлиги ёки етишмаслигидан бўлса керак, дунёда қариндошлик ҳақларининг шафқатсиз равишда поймол қилинишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Баъзилар силаи раҳм ўрнига қариндошларига душманлик қилишни ўзларига раво кўрмоқдалар. Ака-ука, опа-сингил, амма-хола, амаки-тоғалар ўртасида бир-бирига меҳрибонлик ўрнини шафқатсизлик эгаллаб олмоқда.

Инсоният номига доғ, шаънига ор бўлаётган бу каби шармандаликларни тугатиш учун Аллоҳ таолонинг дини – Ислом таълимотларини пухта ўрганиб, уларга амал қилишга ўтиш зарурдир.

Фақат Ислом бу масалани ўз ўрнига қўйган ва мақомига етказган. Қариндошлик ҳаққини инсон ҳуқуқларининг юқори поғонасига кўтарган. Ҳақиқатдан ҳам, қариндошининг ҳаққини адо қилмаган кимса бошқаларнинг ҳаққини адо қилмаслиги турган гап.

Аллоҳнинг мукамал ва боқий дини – Исломда қариндошлик алоқасини ўз ўрнига қўйиш орқали бошқа инсонларнинг ҳам ҳаққини адо этиш даражасига ўтилади.

Бошқа масалалар қатори, бу масалада ҳам дунё ва охират ёнма-ён қўйилган. Қариндошлик алоқасини жойига қўйган банда дунёю охират саодатига мушарраф бўлади. Аксинча, қариндошлик алоқаларида нуқсонга йўл қўйган одам дунёю охират бахтсизлигига йўлиқади.

Инсоният бахтини таъминловчи Ислом таълимотидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилайлик. Ислом маданиятининг дурдоналаридан бўлган қариндош-уруғчилик алоқаларини мустаҳкамлайлик, динимиз бизга берган имтиёздан унумли фойдаланайлик.

**«Бахтиёр оила» китоби асосида тайёрланди**